

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи



К.Н.Касимов

2021 йил

Бухгалтерия хисоби ва Молия ишлари бўлими  
НИЗОМИ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Жиззах вилояти статистика бошқармаси Бухгалтерия хисоби ва Молия ишлари бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон карорига мувофик ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) марказий аппаратининг бўлинмаси хисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги конуни ва бошка қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа конун хужжатларига амал килади.

4. Бўлим фаолияти бошқарма тизимини молиялаштириш механизmlарини ишлаб чикиш, такомиллаштириш, тизимга тегишли активларнинг хисобини ташкил этиш ва уларнинг сакланишини таъминлашта йўналтирилган.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғига бўйсунади.

**II. Бўлимнинг вазифа ва функциялари.**

1. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

Статистика бошқармаси бўйича молия-хўжалик тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чикиш;

даромадларни (фойдани) тақсимлаш йўналишларини аниклаш, фаолият рентабеллигини ошириш, тизим активларининг сакланиши, максадли ва тежаб ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан ажратилган маблағларнинг максадли ва тежаб ишлатилишини назорат қилиш;

2. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

барча молиялаштириш манбалари хисобидан статистика тизимининг ижтимоий иқтисодий ривожланиши бўйича ишларни олиб бориш;

қўмитанинг тегишли бошкармалари билан биргаликда вилоят бошқарма ва унинг худудий бўлимлари томонидан бажариладиган йиллик Давлат статистика ишлари дастурига кирувчи ишлар кийматини аниклашда бевосита қатнашиш;

Давлат статистика ишларини молиялаштиришга доир хисоб-китобларни амалга ошириш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш;

Қўмита томонидан ажратилган маблағлар доирасида худудий статистика бўлимларини молиялаштириш ҳамда маблағлардан максадли, тежаб фойдаланилиши устидан назоратни ташкил қилиш;

Бошқарма ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек молиялаштиришнинг барча манбалари хисобидан ҳодимларни моддий рағбатлантириш бўйича хисоб ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ давлат статистика хисботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан конунга мувофиқ маъмурий чоралар кўрилишидан тушган жарималарнинг хисобини белгиланган тартибда юритиши;

бошқарманинг тижорат фаолиятига доир, хўжалик шартномалари асосида бажариладиган статистик, таҳлил, ахборот-хисоблаш бўйича ишларнинг кийматини аниклаш, шунингдек, ушбу хизматларни кўрсатишдан тушган маблағлар хисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

бошқарманинг молия-хўжалик фаолияти натижаларини аниклаш, тегишли бюджет ҳамда давлат мақсадли фонdlарига тўланадиган солик ва бошка мажбурий тўловлар бўйича хисоб-китоб ва хисбот ишларини олиб бориш;

бошқармада товар-моддий бойликларини ишлатиш меъёрларини ишлаб чиқиша катнашиш ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан ушбу кийматликлардан максадли ва самарали фойдаланилиши устидан хисоб назоратини амалга ошириш;

конун ва конун ости хужжатларида белгиланган тартибда молиявий ва солик хисботларини тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш;

бошқарма активлари ҳамда мажбуриятларини инвентаризация килиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда инвентаризация натижаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш ишларини ташкил этиш;

бошқарманинг бошка таркибий бўлинмалари билан биргаликда ички заҳираларни аниклаш, моддий қийматликларнинг ортиқча исроф килинишини олдини олиш бўйича молия-хўжалик ишларини амалга ошириш;

Бўлимга юклантган бошка функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### **III-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги.**

1. Бўлим ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариши учун куйидаги хукукларга эга:

Статистика бошқармаси тизими молия-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, активларни мақсадли, тежаб ишлатилишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни бошқарманинг таркибий бўлимларидан сўраш ва олиш;

Кўмита томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли, тежаб фойдаланилиши бўйича бошқарма раҳбарияти билан келишилган ҳолда тегишли кўрсатма ва топшириқлар олиш ва бериш;

бошқарманинг таркибий бўлимларидан бошқарма ҳодимлари меҳнатига ҳак тўлаш, шунингдек ҳодимларни моддий рағбатлантириш бўйича хисоб ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

“Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасининг маҳсус жамғармаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилишидан тушган жарималарни худудий бўлимлар ўргасида таксимланиши ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланилиши бўйича керакли маълумотларни сўраш ва олиш;

бошқарма активлари ҳамда мажбуриятларининг инвентаризациясига бошқарма бўлимларидан мутахассисларни жалб қилиш;

бошқарма активларининг ортиқча исроф килинишида айбор ҳодимлардан тегишли тушунтиришлар сўраш ва олиш;

2. Бўлим куйидагилар учун жавобгар:

ўзига юклантган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи ва бошка материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси асосий принципларига риоя этиш;

Бўлим ҳодимлари томонидан белгиланган норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

3. Бухгалтерия хисоби ва молия ишлари бўлими қуйидагиларни амалга оширади;

бошқарма активларининг ҳолати ва харакати, мулкий хукуклар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлик ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

бошқарма фаолиятини самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия хисоби маълумотларини умумлаштириш;

бошқарма фаолиятига доир молиявий, солик ва бошка хисоботларни тузиш;

#### **IV-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш.**

1. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги конуни, Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитасининг буйруклари ва топширикларига мувофиқ, шунингдек статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг иш режалари ва ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиккан холда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

##### **1. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим мутахассисларнинг ишини ташкил килади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариётта кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Тизим активларининг сақланиши, максадли ва тежаб ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Қўмита томонидан ажратилган маблағларнинг максадли ва тежаб ишлатилишини назорат килиш;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи хужжатларни назорат килиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўрикнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топширикларни ўз вактида ижро этилишини қатъий назорат килиш бўйича ишларни ташкил килади, ходимлар томонидан хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни саклаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал килинишини таъминлайди.

##### **2. Бўлим бош мутахассиси:**

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бўлим бошлиги билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чикиди;

Бўлим ишини ташкил этишининг услубини яхшилаш, хисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чикиш;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя килинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чикувчи материалларнинг нусхаларини сакланишини тъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил киласи, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал килиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва статистика бошкармаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофик бошка функцияларни амалга оширади.

### **3. Бўлим кассири:**

Касса операцияларини юритади, пул маблагларининг тасдиқланган хужжатларга асосан сакланиши ва тарқатилиши коидаларига риоя этади, касса хисботларини ўз вактида тақдим этади;

Касса кирим китоби ва касса чиким китобларини юритади;

Хисоб-фактуралар хисобини юритади;

Тўлов топширикномалари ва тўлов талабномалари тайёрлайди;

Хужжатларни архивга топшириш учун тайёрлайди ва белгиланган тартибда топширади;

Жамгариб бориладиган пенсия жамгармаси бўйича тегишли банкларга хисботлар топширади.